

## ХУДУДЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ниязметов Мансур Рузматович**

«International School of Finance, Technology and Sciences» МЧЖ институти ректори

**Маматов Баходир Сафаралиевич**

«International School of Finance, Technology and Sciences» институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

---

### ARTICLE INFO.

---

**Таянч сўзлар:** инвестиция, инвестиция муҳити, инвестициявий жозибадорлик, самарадорлик, ялпи ички маҳсулот, асосий капитал, худуд, иқтисодий эркинлик индекси, рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси, глобал инновациялар индекси.

---

### Аннотация

---

Мақолада худудларнинг инвестициявий жозибадорлигини аниқлаш ва баҳолашнинг зарурлиги асосланган ва инвестиция муҳити жозибадорлигини баҳолаш услубиёти очиб берилган. Инвестициялар самарадорлигини аниқлашда фойдаланиладиган ICOR коэффициентининг аҳамияти ёритилган. Худуд инвестициявий жозибадорлигини белгиловчи инвестицион муҳит таркиби ва шаклланиши тавсифланган ва таснифланган. Худудларнинг инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

---

### Кириш

Хар бир мамлакатда инвестиция муҳитини шакллантириш, унинг жозибадорлигини ошириш инвесторларнинг асосий ва доимий талабларидан бири бўлиб келмоқда. Ушбу мақсадда инвестиция муҳити жозибадорлиги ҳолатини аниқлаш ва баҳолаб бориш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, инвесторлар ўз капиталини муайян тармоқ ва худудга тегишилилигига кўра жойлаштирас экан, инвестиция муҳитининг худудий жиҳатдан жозибадорлигини таҳлил қилиш ўта долзарб аҳамият касб этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференциясининг (UNCTAD) янги маърузасида қайд этилишича, «2020 йилдаги COVID-19 пандемияси туфайли кескин пасайиш (36 фоизга) ва 2021 йилда жадал тикланишдан сўнг, 2022 йилда дунёда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1,3 трлн. АҚШ долларига камайди ва унинг даражаси 12 фоизга пасайди» [1]. Бу эса халқаро инвестицион бизнес юритиш учун хавф-хатарлар сақланиб қолаётганлиги нуқтаи назаридан салбий ҳолатdir.

Бир вақтнинг ўзида «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган: «иқтисодиётда трансформация ва институционал ислоҳотларни изчил давом эттириш, мамлакатда қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш ҳамда мувозанатлашган пул-кредит сиёсатини амалга ошириш; асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажмининг йиллик ўртача 7 фоиз атрофида ўсишини таъминлаш; мамлакатимизда 250 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш, жумладан 110 миллиард доллар хорижий инвестициялар ва 30

миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестицияларни жалб қилиш; аграп соҳага жами 15 миллиард доллар инвестицияларни жалб қилиш; Европа мамлакатлари билан савдо-иктисодий, молиявий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш, кенг кўламли шериклик ва амалий ҳамкорликнинг ҳуқукий асосларини янада мустаҳкамлаш; Осиё-Тинч океани минтақасидаги давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш, минтақа бозорларига экспорт ҳажми ва номенклатурасини кўпайтириш ҳамда мамлакатимизга инвестициялар оқимини ошириш» [2] каби устувор вазифаларнинг изчил амалга оширилиши ҳудудларнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, инвестициявий жозибадорликни аниқлаш ва баҳолашни такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

### **Адабиётлар шархи**

Ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш бўйича услубият бирон-бир халқаро ёки миллий қонунчилик билан аниқ белгиланмаган ва сўнгги йилларда ҳудуд инвестициявий жозибадорлигини баҳолашга оид кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича турли услубиятдан фойдаланилмоқда. Жумладан, иқтисодчи-олимлар томонидан инвестициявий жозибадорлик «инвестициялашдан тушган тушум даражаси орқали» [3], «ҳудуднинг инвестиция салоҳияти ва инвестиция риски асосида» [4], «иқтисодий самарадорлик, сиёсий хатар, карздорлик, қарзни қоплаш (тўлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки муддатини узайтириш), тўлов қобилияти, банк кредитлари, ссуда капиталини олиш имконияти, форс-мажор ҳолатларнинг вужудга келиш имкониятлари» [5] инвестициявий жозибадорликни ҳудудий кесимда ёки тармоқ кесимида иккига бўлиб аниқланишидан келиб чиқиб, турлича услубиятлар таклиф этилган.

Бугунги кунда «Иқтисодий эркинлик индекси (Index of business freedom)», «Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси (Competitive Industrial Performance Index)», «Глобал инновациялар индекси (The Global Innovation Index)» каби рейтинг кўрсаткичлари ва индекслари қаторида мамлакатлар ҳудудларининг бевосита инвестицион жозибадорлигини баҳолайдиган «Эксперт РА», «Forbes» журнали ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари учун маълум бўлган Н.И.Климов услубиятидан кенг кўламда фойдаланилади. Иқтисодий эркинлик индекси «Мерос фонди» (The Heritage foundation) АҚШ тадқиқотлар маркази ва «The Wall Street journal» нашри билан ҳамкорликда чоп этилади. Рейтинг ҳукумат аралашувининг йўқлиги ёки ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилиш, товар ва хизматларнинг тақсимланиши ҳамда истеъмоли, фуқароларнинг эркинлигини зарурй ҳимоя қилиш ва қўллаб-куватлаш каби талаблар асосида шакллантирилади. Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) томонидан 2003 йилдан бери ҳисоблаб чиқилади. Индекс ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, мамлакатларнинг рақобат даражасида ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш қобилиятини акс эттиради. Глобал инновациялар индекси АҚШнинг Корнелл университети, Франциянинг Insead бизнес мактаби ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган мамлакатларнинг инновацион ривожланиш даражасини баҳоловчи тадқиқотdir. Глобал инновациялар индекси 81 кўрсаткичдан иборат бўлиб, иқтисодий тараққиётнинг турли даражаларида бўлган мамлакатларнинг инновацион ривожланишини тавсифлайди. Ушбу индекс икки груп кўрсаткичларининг ўртача қиймати асосида ҳисобланади. Биринчи групга инновацияларни жорий этиш (Innovation Input) учун мавжуд ресурслар ва шарт-шароитлар, институтлар, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма, ички бозор ва бизнеснинг ривожланганлик даражаси киради. Иккинчи групга инновацияларни жорий этиш (Innovation Output) натижасида эришилган амалий натижалар – технологиялар ва иқтисодий билимлар ривожланиши, шунингдек, ижодий фаолият натижалари киради.

«Россия Федерациясида ҳудуднинг инвестициявий жозибасини аниқлашда қўлланиладиган Эксперт РА рейтинг агентлиги услубиятида салоҳият ва рискнинг таъсир кўрсатиш вазнига қараб баҳо берилади» [6].

Молия, инвестиция, саноат, маркетинг, шунингдек илм-фан, технология, хуқуқ, сиёсат мавзуларига қаратилган ва АҚШнинг бизнес нашри ҳисобланган «Forbes» журналида инвестициявий жозибадорлик б 6 та гурухли параметрлар бўйича баҳоланади (ижтимоий, аҳолининг тўлов қобилияти, ишбилармонлик муҳити, инқирозларга қарши турла олиш, инфратузилма, кулайлик).

Проф. В.И.Климов томонидан ишлаб чиқилган услубиятда аниқ кўрсаткичлар миқдори ( $X$ ,  $Y$ ,  $E$ ) бўйича баҳолаш натижалари асосида минтақаларнинг инвестициявий жозибадорлиги даражалари бўйича мақбул (соғлом), ўртача, номақбул, жуда ҳам номақбул инвестициявий муҳитга эга бўлган худудларга ажратилган.

### Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунга келиб худудларнинг инвестициявий жозибасини баҳолаш, инвестициявий рискларни аниқлаш, ҳисоб-китоб қилишнинг қатор услублари яратилди. Мазкур услубият турли даврларда хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган изланишлар натижалари бўлиб, қайсиdir маънода улар томонидан қўлланилган ҳисоб-китобларнинг такомиллашган (модификацияланган) варианти ҳисобланади.

Шунингдек, проф. Ш.Мустафакулов томонидан, айнан, инвестициявий жозибадорликни баҳолаш хусусида чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилганлигини ва инвестициявий жозибадорликни баҳолашнинг комплекс модели, ягона формуласи таклиф этилган.

$$\text{ИЖ}_{kj} = X * \text{ИЖ}_{xj} + Y * \text{ИЖ}_{tj} \quad (2.1) \quad [7]$$

Бу ерда:  $\text{ИЖ}_{kj}$  – ј мамлакатнинг комплекс инвестициявий жозибаси;  $\text{ИЖ}_{kj}$  – мамлакат маълум бир худудининг инвестициявий жозибаси;  $\text{ИЖ}_{xj}$  – мамлакат маълум бир тармоғининг инвестициявий жозибаси;  $X$ ,  $Y$  – ҳар бир инвестициявий жозибаси кўрсаткичларининг солиштирма оғирлиги/вазни.

Мамлакатнинг худудий ва тармоқ бўйича инвестициявий жозибасини ифода этувчи кўрсаткичларни аниқлаш учун қуйидагилар баҳоланиши лозим: иқтисодий қайтим (инвестиция маблағлари йўналтирилган бизнесдан (объект) келадиган даромад); инвестиция риски (мамлакатнинг (худуд ва тармоқ бўйича) турли хилдаги риск даражаси ҳисобланади).

$$\text{ИЖ}_{x(t)j} = \text{DD}_{x(t)j} * (1 - \text{PD}_{x(t)j}) \quad (2.2) \quad [8]$$

Бу ерда:  $\text{ИЖ}_{x(t)j}$  – мамлакатнинг худудий/тармоқ бўйича инвестициявий жозибаси;  $\text{DD}_{x(t)j}$  – худудий/тармоқ бўйича инвестиция маблағлари йўналтирилган бизнес (объект)нинг даромадлилиги ёки иқтисодий қайтими;  $\text{PD}_{x(t)j}$  – худуд/тармоқка йўналтирилган инвестициянинг риск даражаси.

Ушбу формулалардан шуни кўриш мумкинки, худуд ёки тармоққа киритилган (йўналтирилган, жойлаштирилган) инвестициялардан келадиган даромад қайтими ва риск натижасида йуқотиладиган зарап ўртасидаги фарқ орқали инвестицион жозибага баҳо бериш мумкин. Худуд ёки тармоққа ўтган йиллар кесимида асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ҳамда таҳлил қилинаётган йилда олинган фойда ўртасидаги нисбий миқдор иқтисодий қайтим кўрсаткичини ифодалайди.

Ҳар қайси инвестор маълум бир мамлакат ва унинг худудига инвестиция киритишдан аввал ўша мамлакат ва худуднинг инвестиция муҳитини баҳолаш, унинг жозибадорлигини аниқлашга киришади. Албаттa, бунда юқорида кўриб ўтилган омиллар ўрганилади, таҳлил қилинади ва шу асосда инвестиция қарорлари қабул қилинади.

«Инвестициялар иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга келгусида инвестициялаш манбаларини яратиш учун ҳам хизмат қилади. Шу сабабли ялпи инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши ЯИМнинг ўсиш суръатидан 4-8 маротаба кўп бўлиши лозим» [9]. Давлат

статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2020 йил якуни бўйича Ўзбекистон иқтисодиёти рецессиядан қутилиб, ижобий динамикани сақлаб қолди. Пандемиянинг сезиларли оқибатларидан бири инвестиция фаолигининг пасайиб кетиши бўлди. 2020 йилда асосий капиталга қўйилган инвестициялар ҳажми 8,2%га камайди. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, пасайиш марказлашган инвестицияларнинг деярли 35%га, хусусан, бюджет маблағларидан инвестицияларнинг 33,6%га ва хукumat томонидан кафолатланган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг 28%га камайиши ҳисобига қайд этилди. Марказлашмаган манбалардан инвестициялар ҳажми, аксинча, жорий йил якуни бўйича 2%га ўсиш. Ушбу ўсиш, асосан, корхоналар маблағларидан қилинган инвестицияларнинг 11,2%га ўсиши ҳисобига тўғри келди [10]. Бунга «давлат томонидан короновирус пандемиясининг иқтисодиётга таъсирини камайтириш юзасидан кўрилган зарур чора-тадбирлар» [11] ўз таъсирини кўрсатди.

Қолаверса, ялпи инвестицияларнинг аҳоли жон бошига тўғри келган қисмини ва унинг ўтган йилга нисбатан ўсиш даражасини баҳолаш инвестициялар самарадорлигини аниқлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. 2010-2020 йилларда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиациялар узлуксиз ўсиш суръатларига эга бўлган. Жумладан, 2020 йилда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиациялар ҳажми 5,9 млн. сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 10 баробарга кўпайган. Бу ҳол асосий фонdlарни яратиш ва такрор кўпайтиришга, шу жумладан янги қурилишга, модернизациялашга, реконструкцияга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ўйналтирилганлиги нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Бир вақтнинг ўзида, инвестициялар самарадорлигини аниқлашда фойдаланиладиган ICOR (Incremental Capital Output Ratio) коэффициенти асосий капиталга қўйилган маблағларнинг келгуси йилда ЯИМнинг ўсишига таъсирини аниқлашга имкон беради ва ЯИМда инвестициялар салмоғининг кейинги йилдаги ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръатига нисбатини ифодалайди. Ушбу кўрсаткич орқали ривожланган давлатларда амалга оширилган инвестицияларнинг давлатнинг иқтисодий ривожланишига таъсири баҳоланиб борилади [12]. ICOR коэффициенти инвестиция ресурсларининг самарали ишлатилишини белгилаб берувчи кўрсаткич ҳисобланиб, у қанчалик кичик бўлса, шунчалик аҳамиятли ҳисобланади ва аксинча [13]. ICOR коэффициенти ўтган йилги ялпи инвестицияларни (ЯИМга нисбатан фоизда) жорий йилдаги ЯИМнинг ўсиш суръатига нисбати билан аниқланади

### **ICOR = I / ΔЯИМ [14]**

Бу ерда: I – ўтган йилда ЯИМда инвестицияларнинг улуши; ΔЯИМ – ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилга нисбатан қўшимча ўсиш суръати.

ICOR коэффициентини ҳисоблаш услубиётига асосланиб, даромад ўсишининг капиталга нисбати кўрсаткичи ўтган йилги ялпи инвестицияларнинг (ЯИМга нисбатан фоизда) жорий йилдаги ЯИМнинг ўсиш суръатига нисбати сифатида аниқланади. Лўнда қилиб айтганда, ўтган йилги инвестициялар ҳажми жорий йилдаги ЯИМнинг ўсишида ўз натижасини беради.

Халқаро ва миллий амалиётларда, худуднинг инвестиция муҳити жозибадорлигини баҳолашда қўйидаги асосий ёндашувлардан фойдаланиш мумкин:

- тор;
- омилли;
- хавфли;
- вақтинчалик (кенгайтирилган хавфли).

Тор ёндашув худуднинг инвестиция муҳитини белгиловчи баъзи фундаментал омилларни аниқлашга асосланади. Масалан, бу худуд, яъни минтақанинг бозор реакцияси, минтақа имиджи каби омилларни белгилашда ҳам муҳимдир. Шунингдек, бундай кўрсаткичлар қаторига ялпи

худудий маҳсулот динамикаси, саноат ишлаб чиқариш ҳажми, инвестициялар соҳасидаги қонунчиликни тартибга солиш ҳолати, худудий инвестициялар бозорининг ривожланиши кабиларни ўзида мужассам этади.

Ушбу ёндашув нисбатан содда. У универсалдир ва турли даражадаги иктиносий тизимларнинг инвестиция муҳитини ўрганиш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Бироқ, бу ёндашув худуддаги инвестиция муҳитини белгиловчи бошқа омилларни, жумладан, вақт омилини ҳисобга олмайди.

Тор ёндашувдан фарқли ўлароқ, омилли ёндашув маъно жиҳатидан яқин кўрсаткичлардан ташкил топган бир қатор турли хил омилларни ҳисобга олишга таянади. Ушбу ёндашувда таҳлилий ишлар хар бир кўрсаткич бўйича алоҳида эмас, балки, кенгайтирилган гурӯҳ – инвестиция муҳитига таъсир этувчи барча омилларни баҳолаш билан бирга олиб борилади.

Мазкур ёндашув худуднинг инвестицион салоҳияти ва рисқ даражасини аниқ ва тўлиқ баҳолаш имконини бермаслиги сабабли рискли ёндашувдан фойдаланиш максадга мувофиқдир. Ушбу ёндашувда худуднинг инвестицион жозибадорлиги ўрганилиши имкони яратилади. Бу ҳолда инвестицион жозибадорлик жами кўрсаткич сифатида кўриб чиқилади, бу икки хусусият билан белгиланади – инвестицион салоҳият ва инвестицион рисқ. Инвестицион салоҳият ва инвестицион рисқ, мос равишда, интеграл кўрсаткични аниқлашда турли оғирликларга эга бўлган хусусий салоҳият ва рисклардан иборат.

Рискли ёндашувининг асосий афзаллиги шундаки, у инвестицион салоҳият ва инвестицион рискни алоҳида баҳолаш имконини беради, шу билан бирга энг аниқ баҳо бериш учун кўплаб омиллардан фойдаланилади. Бироқ, ёндашув бир қатор камчиликларга эга. Улар вазнларни аниқлаш, шунингдек, минтақанинг инвестицион муҳити ва унинг инвестиция жозибадорлигини аниқлаш бўйича эксперtlар фикрининг субъективлигидир.

Вақтли ёндашувни кенгайтирилган рискли ёндашув деб аташ мумкин, чунки, у инвестицион салоҳият ва инвестицион рисқ тушунчалари билан ҳам ишлайди, аммо, рискли ёндашувдан фарқли ўлароқ, у инвестицион жозибадорлик ва инвестиция муҳитини аниқ ажратиб туради.

Вақтинчалик ёндашувга кўра, инвестиция муҳити динамик жиҳатдан инвестицион жозибадорлик сифатида қаралади. Шундай қилиб, инвестицион салоҳият ва инвестицион рисқдан фақат инвестицион жозибадорликни баҳолаш учун фойдаланилади ва худуднинг инвестиция муҳити тўғрисидаги хulosалар унинг узок вақт давомида (беш йил ва ундан ортиқ) инвестицион жозибадорлиги тўғрисидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Юқоридагиларга асосан хulosса қилиш мумкинки, худуднинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш ва баҳолаш инвесторлар, хусусан, хорижий инвесторларнинг капитални жойлаштириш жараёнига салмоқли таъсир кўрсатади.

Худудлар инвестицион жозибадорлигини аниқлаш ва баҳолашга оид тадқиқотларимиз натижаларига асосан, худуд инвестицион жозибадорлигини белгиловчи инвестицион салоҳият турлари қўйидагилардан ташкил топган ҳолда бўлиши ва таҳлил қилиниши лозим, деган хulosага келдик (1-расм).




**1-расм. Худуд инвестицияйиң жозибадорлигини белгиловчи инвестицион мұхит таркиби ва шаклланиши [15]**

Рақамли хизматлар салоҳияти мамлакат ва алоҳида худуддаги рақамли технологияларнинг жорий этилганлик даражаси, жумладан, рақамли бизнес, электрон ҳукумат, электрон хизматлар, электрон тижорат кабиларнинг йўлга қўйилганлик даражасини ўзида мужасам этса, ахборот таъминоти салоҳияти ҳар бир худуд, ҳокимлик, вазирлик ҳамда алоҳида корхона ва ташкилотлар даражасида ахборотларнинг очиқлиги, мукаммаллиги, тўлиқлиги, ишончлилиги, янгиланганлиги, уларнинг эркин, тўғридан-тўғри ва тўсикларсиз исталган вақт ва масофадан олиш имкониятларининг яратилганлиги ҳамда бу борадаги хизматлар таъминоти тизимининг ва назоратининг ўрнатилганлигини акс эттиради.

Ўз навбатида, ҳар бир инвестицион салоҳият тури унга хавф солувчи инвестицион рисклар билан бирга намоён бўлишини унутмаслик лозим.

Таҳлиллар шуни қўрсатадики, сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари хорижий инвестициялар, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун жозибадор худуд бўлиб бормокда (2-расм).



**Расм. Марказий Осий мамлакатлариға киритилгандын тұғридан-тұғри хорижий инвестициялар қажми, млрд АҚШ доллары ҳисобида [16]**

Хусусан, 2016-2022 йиллар мобайнида Қозоғистонға жалб қилинген тұғридан-тұғри хорижий инвестициялар қажми 1,6 баробарға ортган. Бу күрсаткыч Ўзбекистонда 2,6 баробарға, Қирғизистонда 1,4 баробарға ва Тожикистонда 2,2 баробарға ортган. Шу билан бирга, Қозоғистонда 2019 йилда хорижий инвестицияларнинг кириб келиши 2018 йилға нисбатан үзгартылды, гарчи мамлакат жалб қилинген тұғридан-тұғри хорижий инвестицияларнинг умумий қажми бүйіча минтақада етакчи бўлиб қолмокда. 2020 йилдаги COVID-19 пандемияси туфайли деярли барча мамлакатларга хорижий инвестициялар оқимида кескин пасайиш кузатилди. Қозоғистон ва Ўзбекистон иқтисодиётінде киритилгандын тұғридан-тұғри хорижий инвестициялар оқимининг фаоллашиб бораётгандығы, энг аввало, мамлакатда яратылған қурай инвестицияний мухит, иқтисодиёттің баркарор ўсиш суръатлари, қолаверса, турли халқаро индекс ва рейтинглар (Иқтисодий эркинлик индекси, Рақобатбардош саноат унумдорлыги индекси, Логистика самарадорлығы индекси, Глобал инновациялар индекси, Баркарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва Инсон камолоти индекси, Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтинги, Тұғридан-тұғри хорижий инвестицияларни тартибга солиши чекловлари индекси)даги мавзеи яхшиланиб бораётгандыгидир.

## Хуноса

Таҳлиллар натижаларига күра аён бўлди, ҳудуднинг инвестиция мухити ўзаро боғлиқликдаги инвестицияний жозибадорлик ва инвестицияний фаолликдан шаклланади. Ўз навбатида, инвестицияний жозибадорлик инвестицияний салоҳият ва маълум даражадаги инвестиция рискига асосланади. Ҳудуднинг инвестицияний жозибадорлиги инвестицияний фаолликни белгилайди. Инвестицияний фаолликнинг ошиб бориши инвестицияний жозибадорликнинг янада такомиллашувига ўзининг ижобий таъсирини күрсатади. Бу эса пировардида, «худуднинг асосий капиталига инвестицияларни жалб қилиш интенсивлиги» оширишга олиб келади. Ҳудудда инвестицияний салоҳият қанчалик ортиб бораверса, ундан фойдаланиш даражасининг тушиб кетиши, бой берилиши (инвестицион риск) ҳам шунга тенг бўлади. Лекин, инвестиция рисклариға қарши самарали чораларни кўриш, уларни олдиндан аниқлаш ва баҳолаш, бартараф

этиш чораларини кўриш инвестициявий салоҳиятдан фойдаланиш натижаларини пасайтирмаслик имокниятларини оширади. Бу эса ҳудудда ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш кўлами ва йўналишларининг янада ортиб боришига ижобий таъсир кўрсатади.

Худуднинг инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш бўйича услубият бирон-бир ҳалқаро ёки миллий қонунчилик билан аниқ белгиланмаган ва сўнгги йилларда ҳудуд инвестициявий жозибадорлигини баҳолашга оид кўрсаткичларни хисоблаш бўйича турли услубиятдан фойдаланилмоқда. Мазкур услубият ва келтирилаётган формулалар илгари амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва турли даврларда хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган изланишларни ўрганишнинг маҳсули бўлиб, қайсиdir маънода улар томонидан кўлланилган хисоб-китобларнинг такомиллашган (модификацияланган) варианти хисобланади.

Худудларда қулай инвестиция муҳитини яратиш, унинг жозибадорлигини янада ошириб бориши мақсадида уни баҳолаш тартибига янгича қарашиб ва ёндашувларни қўллаш, аниқланган муаммоларни қисқа фурсатларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу жараёнда мунтазам равиша мониторинг олиб боришининг самарали тизимини жорий этиш шулар жумласидандир.

Фикримизча, Ўзбекистонинг ҳар бир вилояти, туманлари ва шаҳарлари кесимида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш кўлами ва йўналишларини ҳамда уларнинг ўзлаштирилиш даражасини комплекс баҳолаб бориши, ҳудуддий тоифалар туркумида 4 ва 5-тоифа ҳудудларидаги манзилларда ҳокимлик ва вазирликлар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, ахоли бандлигини ошириш асосида имтиёзлардан самарали фойдаланиш юзасидан изчил ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда унинг мониторингини олиб бориши ҳолатини таҳлил қилиб бориши лозим.

Мамлакатнинг инвестиция муҳити жозибадорлигини баҳолашда эса ҳалқаро индекс ва рейтингларни хисобга олувичи услубиятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мониторинг мировой экономики: объем прямых иностранных инвестиций в мире в 2022 году сократился на 12% ([kommersant.ru](http://kommersant.ru)).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида»ги фармони.
3. Насрутдинов М.Н. Разработка инструментов региональной политики управления инвестиционной активностью региона. Дисс. на соис. уч. ст. к.э.н. – Санкт-Петербург, 2020. – с 234.
4. Рейтинг инвестиционной привлекательности российских регионов, 2007-2008 годы: инвестиционная привлекательность как главный фактор антикризисного развития регионов / подгот. Г.Марченко, О.Мачульская // Эксперт. - 2008. - № 49. – С. 95-110.; <https://cyberleninka.ru/article/n/finansovye-mehanizmy-mezhregionalnogo-vyrahnivaniya/viewer.>; Агаева Л.К., Анисимова В.Ю. Инвестиционная привлекательность региона: учеб. пособие. – Самара: «Издательство Самарского университета», 2018. – 72 с.
5. [https://ozlib.com/1082405/ekonomika/faktory\\_pokazateli\\_investitsionnoy\\_privlekatelnosti](https://ozlib.com/1082405/ekonomika/faktory_pokazateli_investitsionnoy_privlekatelnosti).
6. Методика составления рейтинга инвестиционной привлекательности регионов России // Эксперт РА. Рейтинговое агентство. – Режим доступа: <http://raexpert.ru/ratings/regions/concept/>.
7. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион жозибадорликнинг назарий, методологик ва амалий талкини. – Т.: «Маънавият», 2021. – Б. 45-.

8. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион жозибадорликнинг назарий, методологик ва амалий талкини. – Т.: «Маънавият», 2021. – Б. 45-46.
9. <https://uzsmart.uz/library/pdf.php?id=116384>.
10. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments>.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сонли «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқлариға салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
12. Болтабаев М.Р. Ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялашда тижорат банкларининг инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланиш истиқболлари. «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк-молия тизимида инновацион хизматларни ривожлантириш» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Тошкент. ТДИУ 2015. – Б. 10.
13. Сиддиқов А. Саноат ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлиги. // «Бозор, пул ва кредит», 2004. №7-8. – Б. 48.
14. Шодмонов Ш. ва бошқ. Иқтисодиётни таркибий ўзгартериш ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш // Иқтисод ва молия, 2017. №12. – Б. 52-56.
15. Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.
16. EDB\_2022\_Summary\_The-Economy-of-CA\_rus.pdf (eabr.org). «Евразийский банк развития. Экономика Центральной Азии: новый взгляд» ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.